

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

*№ 3 (3) - 2023*

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 3 (3)-2023*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

### **ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодири Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами бериллади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod*

QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI ..... 9-14

*Шухрат Эргашев*

ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ

ТЎНТАРИШИ ..... 15-23

*Касимова Шахноза Алишеровна*

ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ ..... 24-29

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Файзиева Ширин Шодмоновна*

АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ  
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ ..... 30-35

*Мусагалиев Ажунияз Жумагулович, Дустова Мухайё Худайбердиевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАР ..... 36-41

*Murodova Nargiza Utkirovna*

TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI ..... 42-47

*Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Haydarovich*

КОМПАНИЯЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ТО'ЛОВГА ЛАЙОҚАТСИЗЛИГИ ХАВФИНИ АНИҚЛАШ ..... 48-55

*Temirova Feruza Sagdullayevna*

MARKETINGNING ZAMONAVIY TEXNOLOGIYASI -  
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH ..... 56-62

*Sobirova Marhabo Haitovna*

МЕВА-SABZAVOT КООПЕРАТСИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙО'ЛЛАРИ ..... 63-67

*Mamajonova Gulasal Oribjon qizi*

КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ CHIQARISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ MASALALARI ..... 68-77

*Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich*

О'ЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙОТИНИНГ РИВОЈЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ  
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ..... 78-87

*Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович*  
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ  
МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ ..... 88-101

*Каржавова Хуршида Абдумаликовна*  
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШНИНГ  
АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ ..... 102-110

*Soliyev Dilmurod Jamolovich*  
AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING  
ASOSIDIR ..... 111-119

*Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna*  
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH  
MASALALARI ..... 120-130

#### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Тўраев Шавкат Нишонович*  
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ..... 131-137

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*  
TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY ..... 138-143

*Sharipov Dilshod Baxshilloevich*  
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI ..... 144-148

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Гаппаров Алибек Қаршибоевич*  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ ..... 149-155

*Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqut Quadratillayevna*  
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND  
AND VISUALLY IMPAIRED ..... 156-161

*Ахмедшина Лилия Рафаэльевна*  
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ « И «ЖЕНА»  
В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ ..... 162-166

*Kholmuminova Makhliyo*  
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES ..... 167-171

*Shirinova Yekaterina*  
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI ..... 172-178

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Қутлымуратов Фарҳад Қалбаевич*

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 179-185

*Kasimov Nodirjon Sodikjonovich*

QASDDAN O'DIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY  
XUSUSIYATLARI ..... 186-196

*Урманбаева Ферузахон Саттаровна*

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ ..... 197-203

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich*

“HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ  
KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEKANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR  
TAHLILI) ..... 204-210

*Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich*

BO'LAJAK REJISSORLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA  
TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI ..... 211-217

*Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich*

YUQORI SINIF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA  
TARBIYALASH ..... 218-223

*Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна*

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ  
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ..... 224-229

*Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich*

HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISH ..... 230-236

*Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi*

ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE  
EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES ..... 237-244

*Yusupov Dilmurod Abdurashidovich*

YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER  
TEKNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH ..... 245-254

*Ergashev Omonboy Turgunbayevich*

TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY ZARURATI VA  
PEDAGOGIK ASOSLARI ..... 255-260

<i>Ruzmetova Novval Vahabjanovna</i> THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW SCHOOLS .....	261-269
<i>Raxmatov Otabek Urinbosarovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI .....	270-274
<i>Makhmudov Furqat Djumaboyevich</i> YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI .....	275-281
<i>Бабахова Гулзиба Зиятбаевна</i> К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА .....	282-289
<i>Dexkanov Sherzod Abdumutalibovich</i> KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA .....	290-296
<i>Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ .....	297-301





Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2023. -№ 3 (3).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>

10.00.00 – Филология фанлари

**Гаппаров Алибек Қаршибоевич,**  
СамДВМЧБУ хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси  
ali\_bek85@mail.ru, Тел: +99897-893-67-76

### ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ

**Аннотация.** Сиёсий тил сиёсий тилшуносликнинг асосий тушунчаларини ёки сиёсий мулоқотга алоқадор лингвистик сиёсатшуносликни англатади. Ижтимоий-сиёсий лексика ҳозирги адабий тилнинг махсус лексик ва фразеологик қўйи тизими сифатида сиёсий тилнинг таянчи вазифасини бажаради. Ижтимоий-сиёсий терминология махсус лексиканинг ядроси сифатида оммавий онгда дунёнинг ижтимоий-сиёсий тасвирини яратиш учун махсус тил воситаларига эга бўлган махсус ахборот таъсир тилидир. Ушбу мақолада ижтимоий-сиёсий лексиканинг социолингвистик аспект доирасидаги назарий қарашларга мурожаат қилинган.

**Калит сўзлар:** сиёсат, тил, матбуот, публицистика, тил сиёсати, терминология, социолингвистика

**Gapparov Alibek Karshiboevich,**  
Senior teacher of the Department of Foreign Languages of  
the Samarkand Institute of Veterinary Medicine

### СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКОНЫ

**Аннотация.** Политический язык относится к основным понятиям политической лингвистики или лингвистической политологии, связанным с политической коммуникацией. Общественно-политическая лексика выступает опорой политического языка как особой лексико-фразеологической подсистемы современного литературного языка. Общественно-политическая терминология как ядро специальной лексики представляет собой язык особого информационного воздействия со специальными языковыми средствами создания социально-политической картины мира в общественном сознании. В статье рассматриваются теоретические взгляды на социально-политический лексика в социолингвистическом аспекте.

**Ключевые слова:** политика, язык, пресса, журналистика, языковая политика, терминология, социолингвистика.

**Гаппаров Алибек Каршибоевич,**  
Старший преподаватель кафедры иностранных языков  
Самаркандский институт ветеринарной медицины

### SOCIOLINGUISTIC ASPECT OF SOCIO-POLITICAL LEXICON

**Abstract.** Political language refers to the basic concepts of political linguistics or linguistic political science related to political communication. Socio-political lexicon acts as a support of political language as a special lexical and phraseological subsystem of modern literary language. Socio-political terminology as the core of a special lexicon is a language of special information influence with special language tools for creating a socio-political

image of the world in the public mind. This article addresses the theoretical views of the socio-political lexicon within the sociolinguistic aspect.

**Key words:** politics, language, press, journalism, language policy, terminology, sociolinguistics



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N19>

**Кириш.** Маълумки, тилшунослик соҳалари орасида жамиятдаги ўзгаришларга мутаносиб равишда ўзини янгилаб турувчи, янгиланишларга нисбатан тез ва тайёр турувчи соҳа лексикология ҳисобланади. Зеро, “Ҳар бир тил ўзининг муайян луғат таркибига эга бўлиб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ёки иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг ривожланишини ўзида акс эттиради, жамият ривожланиши билан ҳамоҳанг тараққий этади. Тиллар халқларнинг ўзаро савдо-сотиқ, маданий алоқа, миграция жараёни, ҳатто давлатлар ўртасидаги уруш ва ҳоказолар таъсирида ҳам стихияли тарзда омихталашади ҳамда тараққий этади. Буэсауларнинг дифференциация ёки интеграция ҳодисалари асосида амалга ошади” [Шукуров О.У. 2020:63].

Тилнинг ривожланиш жараёни, асосан, ички омил, шунингдек, ташқи омиллар ҳисобига кенгайишидан иборат. Бугунги кун тиллараро глобаллашув жараёни сабаб дунё тиллари луғат таркибининг бойиб боришида экстралингвистик факторнинг фаоллашганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Халқ бу – муайян мамлакатнинг барча аҳолиси, ижтимоий, этник бирлигини ташкил этса, миллат эса тарихан ташкил топган; тили, ҳудуди ва маданиятининг умумийлиги асосида бирлашган жамоа ҳисобланади. Зеро, тил бу тизим ва унинг тадқиқи ниҳоятда қийин жараён. Тилнинг моҳиятини англашни махсус техника ва фикрлаш орқали эришиш мумкинлиги тадқиқотчилар томонидан фикрлар билдирилган.

Таъкидлаш жоизки, тилнинг эволюцион ҳолати жамият тараққиёти билан боғлиқ. Жамиятдаги барча ўзгаришлар тилда акс этади ва тилдаги юз бераётган ўзгаришларга жамиятнинг онгли аралашуви зарур деган ғояни илгари суришга асос солиш зарур. Бу ўз ўрнида “тил сиёсати” тушунчаси билан боғлиқ. Бирон-бир тил ва халқни бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиш номумкин юмушдир. Зеро, “Тилсиз халқ ва халқсиз тил тушунчалари моҳиятдан мутлақо маҳрумдир. Халқ тилнинг тилло бешигида балоғатга етади, тил эса ўз соҳиби бўлмиш халқнинг қалбидан куч олади, унинг ардоғида тароват топади. Тил халқ бирлигининг, халқ эса тил барҳаётлигининг пойдор посбонидир” [Махмудов Н. 2012:47].

Ҳар қандай миллатнинг асосий белгилари орасида тил фактори мавжуд ва бу давлатнинг халқаро майдондаги имижини кўрсатади. Шундай экан, бу муаммони яхлит тадқиқ этиш тилшуносликнинг ижтимоий фанлар билан муайян жабҳада ўзаро яқинлашуви натижасида «Медиалингвистика» ва «Социолингвистика» йўналишлар доирасида тадқиқ этишни талаб этади. Чунки публицистик услубнинг тадқиқи ўта мураккаб бўлган ижтимоий-сиёсий мулоқот жараёнининг асл моҳиятини ва ўзига хос қонуниятларини атрофлича ўрганиш имконини беради.

Тил ва сиёсат кўп қиррали мавзу. Уни фақат сиёсат тили ҳодисасининг мавжудлиги ва унинг лингвистик мақомини белгилаш факти билан чеклаб бўлмайди. Шу ўринда, олимлар томонидан нутқнинг ижтимоий хосланиши, яъни дифференциалашуви масаласи ҳам социолингвистиканинг ўрганиш объектига кириши

борасида жуда кўп фикрлар берилган[Найман Е.А. 2004:22]. Медида нутқнинг ижтимоий хосланиши деганда, аудиториянинг ижтимоий келиб чиқиши гендер хусусияти ҳамда қизиқиши, дунёқараши билан боғлиқ нутқ амали, уларнинг ўзига хос лисоний ва нолисоний хусусиятлари тушунилади.

Сиёсий соҳанинг лексик-семантик тил тизимида акс этиши сўнгги пайтларда нафақат сиёсий воқеликни акс эттириш воситаси сифатида, балки сиёсат соҳасининг таркибий қисмлари сифатида қаралаётган ижтимоий-сиёсий лексика муаммосини ҳал қилишни ўз ичига олади.

Сиёсий фаолият жамият ҳаётида доимо алоҳида ўрин тутган. Мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрни, бошқа давлатлар билан муносабатлари, жаҳон ҳамжамияти фаолиятидаги ўрни маълум бир сиёсий позиция ёки вазиятга боғлиқ. Шу билан бирга, мамлакат имиджини аниқлашда ушбу давлатларнинг сиёсий раҳбарлари томонидан жаҳон ҳамжамиятига тақдим этилиши муҳим роль ўйнайди. Сиёсатчилар чиқишлар орқали ҳам халқаро ҳамжамиятга, ҳам ўз мамлакати фуқароларига мурожаат қилиш имкониятига эга бўладилар[Тибинько, Н.Д. 2011: 134–137].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, публицистик услубнинг социолингвистик тадқиқот марказига олиб кириш ва уни атрофлича, тўла-тўқис тадқиқ этиш нафақат тилшунослар балки, журналистикани ҳам қизиқтирадиган муҳим вазифалар қаторига киритилади. Бунга, ОАВда ахборотни қайта тайёрлаш ва аудиторияга узатиш ва ушбу жараёнининг ўта мураккаб, серқирра эканлиги, инсонлар ахборот оқимида рухий, миллий, ижтимоий, худудий жиҳатларига эга эканлиги сабаб бўлади. Зеро, миллий тилнинг ижтимоий хосланишлари шу тилда сўзлашувчиларнинг ижтимоий ҳолати билан боғлиқ бўлади.

Уильям Лабов социолингвистика асосчиларидан бири ҳисобланади. У социолингвистикага тил ўзининг ижтимоий матнида, деб таъриф беради[Labov W. 1974:147].

Тилшунос олим Э.Д.Поливанов тилнинг ижтимоий томонларига эътибор қаратар экан, социолингвистиканинг қуйидаги мезоний хусусиятларини кўрсатган:

- 1) тил ижтимоий-тарихий факт сифатида тавсифланади;
- 2) тиллар ва диалектлар социологик нуқтаи назардан тавсифланади, тавсифлашда янги тушунчалар, масалан, ижтимоий гуруҳ диалектлари ва бошқалар қўлланилади;
- 3) мулоқот воситаси сифатида қараладиган тилга баҳо берилади;
- 4) ижтимоий-иқтисодий ва лингвистик ҳодисаларнинг сабаб-оқибат муносабатлари таҳлил қилинади;
- 5) мавжудлик учун кураш воситаси сифатида тилни (ва унинг индивидуал томонларини) баҳолаш таҳлили;
- 6) тил эволюциясининг маданият тарихи билан боғлиқ умумий типологик схемаси қурилади;
- 7) социологик тилшуносликнинг амалий масалалари кўриб чиқилади: [Поливанов Е.Д. 1968:186]

Замонавий социолингвистика тилга таъсир қилувчи барча хилма-хил омилларни ҳисобга олган ҳолда, тилнинг ижтимоий табақаланиш тузилишини ва жамият тузилишини ўзаро боғлиқ (лекин изоморф эмас) шаклланишлар деб ҳисоблайди.

Тилнинг ижтимоий табақаланишининг тузилиши кўп қирралидир. У синфий, касбий, демографик, ижтимоий-маданий, психологик белгиларни ўз ичига олади. Жамоанинг барча тил ресурслари томонидан шакллантирилган ягона ижтимоий-коммуникатив тизимда таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги функционал бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга бўлиб, тизимни муносабатларини ички тизимлар эмас, балки ижтимоий алоқалар ўрнатадилар[Щерба И.В.1957:105].

Махаллий ва хорижий тилшуносликдаги социолингвистик тадқиқотларнинг ривожланиши ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари туфайли юзага келган[Швейцер А.Д. 1978:7]. Оммавий ахборот ва тарғибот воситаларининг фаолиятини, уларнинг жамиятнинг турли қатламларига таъсири самарадорлигини ўрганиш ана шундай эҳтиёжлардан биридир.

Публицистиканинг матбуот социолингвистикасига бевосита боғлиқлигининг яна бир тамойили унинг халқчиллигидир. Матбуот доимо халқ манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, улар билан тушунарли тилда мулоқот қилади, ўз ўрнида бу матбуот халқ оммаси ёрдамида яратилади.

Сиёсий нутқ фаолияти борасида ўзига хос мақсадли йўналтирилганлиги ва нутқ ҳаракатлари билан оммавий сиёсий нутқ жанрига боғлаш имконини беради.

Е.И. Шейгалнинг ёзишча сиёсий ҳужжатларни ўқимайдиган, нутқ ва чиқишларнинг асл матнлари билан таниш бўлмаган, сиёсатни асосан оммавий ахборот воситалари орқали ишлов берилган, ажратилган шаклда қабул қиладиган ўртача инсон учун сиёсат сюжетлар (сайловлар, ташрифлар, ҳукуматнинг истеъфоси, уруш, музокаралар, жанжал) сиёсий ҳикоянинг, баённинг асосини ташкил қилади, бунда биз маълум бир сиёсий воқеа атрофида тўпланган турли жанрдаги дискурсив шаклланишлар йиғиндисини тушунамиз[Шейгал Е.И.2000:305].

Прагматик аспектда коммуникация жараёнида таъсир функцияси алоҳида қизиқиш уйғотади. Америкалик социолог Г.Гербер оммавий коммуникациянинг ижтимоий аҳамиятли таъсирини жамиятнинг маълум ижтимоий қатламлари – сиёсатчилар, рақобатбардош ижтимоий институтлар, реклама берувчилар, экспертлар ва оммавий аудитория белгилайди деб ҳисобланган[Gerbner G.1972:58]. Коммутатор оммавий аудитория томонидан идрок қилинадиган матнда факт ёки реал ҳодисани акс эттириш механизмининг асосий бўғинидир. Ҳақиқий воқеа ёки фактнинг ўзига хослиги ва тингловчилар томонидан идрок этилган хабар матни қандай маълумот танланганига, матн қанчалик эҳтиёткорлик билан таҳрирланганига, муайян алоқа канали учун мўлжалланганлигига ва қандай алоқа воситаларидан фойдаланганига боғлиқ.

Оммавий ахборот воситалари орқали онгни манипуляция қилиш мақсадидан келиб чиқиб объектларга белгили тил бирликлари контекстга киритилади ҳамда бу бирликлар орқали уларнинг идрок этишларида ушбу контекстнинг тасвирини турли ахборот (ишончли ва ишончли бўлмаган) орқали ўзгартирилишга эришилади. Медиаматнлар воқелик ҳамда ҳаракатларининг боғланишини амалга оширилишида, воқелик ғояси манипулятор хоҳлаган йўналишда бўлади. Демак, бу ҳолат “...объектнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларига ҳам таъсир қилади ва объектлар ўз хоҳишларига тўлиқ мос равишда ҳаракат қилишларига ишонч ҳосил қилади. Манипуляторнинг мақсади – объектнинг танловга юмшоқ ёндашувидир. Лекин бу танлов эркин ва онгли

равишда амалга оширилган танлов эмас[Ухванов И.Ф. 2000:98]. Сиёсий дискурда маълумотларни тақдим этиш услубига кўра манипуляциянинг қуйидаги турлари ажратилади[Тибинько, Н.Д. 2011:134-137]:

1. Референциал манипуляция, бу ҳолда денотатнинг образи воқеликни билдириш жараёнида бузиб кўрсатилади:

– фактик манипуляция – ёлғон, фактларни бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин қилиш, муболағалар, камчиликлар, ноаниқлик яратиш;

2. Мулоқот постулатлари бузилган аргументатив манипуляция:

– матнинг ривожланиш мантиғини ёки матнинг яхлитлигини бузиш (жавобдан, мавзудан қочиш);

– исботлаш, далил келтириш маъсулиятидан бўйин товлаш, ўз нуқтаи назарини исботлаш талаб қилмайдиган шаклда формулировка қилиш (изоҳлаш) ёки нуқтаи назарни тўлиқ тасдиқловчи ахборотнинг тўлиқ шаклини келтирмаслик, хусусан аниқлик миқдорий кўрсаткичларини ўтаказиб юбориш ва ноаниқлик квалификаторларини (сараловчиларини) киритиш.

– мантиқий кодларни ниқоблаш, яшириш, масалан, тасдиқни олдиндан тахмин ёки импликация сифатида яшириш, нотўғри далиллар.

Нутқ ишлаб чиқаришдаги ижтимоий омилларни ҳисобга олиш ва тавсифлаш бугунги кунда социолингвистик тадқиқотларнинг зарурий шартларидан биридир. Шахснинг нутқий хулқ – атворига таъсир этувчи қуйидаги омиллар ажратиб кўрсатилади: ижтимоий табақа, ёш, маълумот, касб, яшаш жойи, жинс, алоқа канали, муҳит, мулоқот мавзуси, шакли, мақсади, мулоқот характери.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, замонавий социолингвистика доирасида тилнинг ижтимоий томонларини тавсифловчи тушунчалар тизими ишлаб чиқилган. Улар орасида: тилҳамжамияти, тилкоди, ижтимоий-коммуникативтизим ва тил вазияти ажратилади.

Публицистика алоқа жараёнларини ўрганиш, ижтимоий ўзаро таъсирларини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан алоҳида қизиқиш уйғотади. Ижтимоий ўзаро таъсирларни таҳлил қилиш билимлар тизимини ўрганиш билан боғлиқ. Билимларни авлоддан-авлодга ўтказишда дунёда содир бўлаётган воқеаларни хужжатли аниқлик билан акс эттирувчи журналистик матнлар муҳим роль уйнайди. Шу билан бирга, улар дунёнинг ҳам актуал, ҳам мифологик тасвирини оммавий аудиторияга етказиши мумкин.

Шундай қилиб, матбуот аниқ мафкуравий қарама-қаршиликка эга бўлиб, ўзининг лингвостилистик тизими тубида оддий фуқораларнинг дунёқарашига таъсир кўрсатувчи кўплаб риторик воситалар яъни риторик савол, савол ва нутқ демоогоиясининг намуналарини ишлаб чиқди. Фақат ошкоралик даврида “матн қабул қилувчининг онгида дунё моделини, тасвирини қанчалик ўзгартиришга” қодир эканлигига кўпчилик амин бўлди[Маслоу А.Х.1964:59]. Кўриниб турибдики, бу ҳолда матн нафақат публицистик асарни, балки сиёсий-ғоявий, қадрий-маданий воқеликни ҳам англатадики, булар кенг контекстуал макон бўлиб, уларда мазмун-маъно табиати аниқланади [Лысакова И.П.2005:43].

Ижтимоий лингвистика бугунги кунда тилшунослик, социология, ижтимоий психологиянинг сўнгги ютуқларини ўзлаштириб, фанлараро йўналиш сифатида

ривожланмоқда. Ижтимоий ва лингвистик фактлар ўртасидаги сабаб–оқибат алоқаларини ўрганар экан, тадқиқотчилар лингвистик таҳлилда социология фанининг жамиятнинг ижтимоий тузилиши, ижтимоий вазият, ижтимоий фаолият соҳаси, ижтимоий роль, ижтимоий норма каби тушунчаларидан фойдаланадилар. Сиёсий тил сиёсий тилшуносликнинг асосий тушунчаларини ёки сиёсий мулоқотга алоқадор лингвистик сиёсатшуносликни англатади. Ижтимоий-сиёсий лексика ҳозирги адабий тилнинг махсус лексик ва фразеологик қўйи тизими сифатида сиёсий тилнинг таянчи вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсий терминология махсус лексиканинг ядроси сифатида оммавий онгда дунёнинг ижтимоий-сиёсий тасвирини яратиш учун махсус тил воситаларига эга бўлган махсус ахборот таъсир тилидир. Бинобарин, ижтимоий-сиёсий терминлар информацион жиҳатдан тўйинган тил бирликлари сифатида коммуникатив жиҳатдан талабга эга бўлиб, дунёнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини бойитишга хизмат қилади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Лысакова И.П. Язык газеты и типология прессы. Социолингвистическое исследование. – СПб.: Филологические науки СГБГУ. 2005. – С.43.
2. Махмудов Н. Тилимизинг тилла сандиғи. –Тошкент.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.
3. Методология исследований политического дискурса: Актуальные проблемы содержательного анализа общественно-политических текстов. – Вып. 2 / Под. Общ. Ред. И.Ф. Ухвановой-Шмыговой. – Мн.: БГУ, 2000. – С.98.
4. Маслоу А.Х. Мотивация и личность. М., 1964. – С.59.
5. Найман Е.А. Социолингвистика. – Томск, 2004. 22 с.
6. Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. – М.: Наука, 1968. – С. 186
7. Тибинько Н.Д. Манипуляция в политическом дискурсе Вестник Челябинского государственного университета. № 3 Филология. Искусствоведение. Вып. 50. – Челябинск :Изд-во «ЧелГУ», 2011. –С. 134–137.
8. Хайруллаев, Х. (2001). Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати. Номзодлик диссертацияси автореферати.-Тошкент.
9. Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. – М., 1957. – С.105.
10. Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение а социолингвистику. – М. 1978. – С. 7.
11. Шейгал, Е.И. Язык и власть // Языковая личность: проблемы лингвокультурологии и функциональной семантики. – Волгоград, 1999. – 272 с.
12. Хайруллаев, Х. (2019). Об особенностях изучения объекта речевой лингвистики. Иностранная филология: язык, литература, образование, (2 (71), 17–20. извлечено от <https://inlibrary.uz>
13. Шейгал, Е.И. Семиотика политического дискурса: Монография. Ин-т языкознания РАН; Волгогр. гос. пед. ун-т. – Волгоград: Перемена, 2000. – С.305
14. Шукуров О.У. Таълимда ўзбек тилининг лексик фондига таъсир қилувчи омиллар хусусида. «Science and Education» Scientific Journal August 2020 / Volume 1 Issue 5. – P. 63.
15. Gerbner, G. Mass Media and Human Communication Theory // Sociology of Mass Communications. / Ed.: D. McQuail – Harmondsworth: Penguin, 1972. – p. 58.
16. Labov W. Sociolinguistic patterns, Phil., 1974.

17. Хайруллаев, Х. З. (2012). Об иерархических отношениях между языковыми единицами. Вестник Челябинского государственного университета, (6 (260)), 134-137.
18. Турниёзов, Н., Турниёзова, К., & Хайруллаев, Х. (2009). Структур синтаксис асослари. *Тошкент: Фан.*
19. Turniyozov, N., Turniyozova, K., & Xayrullayev, X. (2009). Struktur sintaksis asoslari. *Toshkent.: «Fan, 131.*



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I3Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 3 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).